

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Кириб келаётган Янги йил билан

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



2020 йилги бюджет параметрларига тузатишлар киритилди

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритилди (23.12.2020 йилдаги ЎРҚ-655-сон Қонун).

Давлат (Ҳукумат) номидан ёки давлат кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд АҚШ долларидан 5,5 млрд АҚШ долларигача оширилди. Шундан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2,5 млрд АҚШ доллари миқдоридан белгиланди.

Шунингдек қуйидаги параметрларга тузатишлар киритилди:

а) давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тик-

ланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ҳамда уларнинг харажатлари:

➢ даромадлар 1 247 492,1 млн сўмга камайтирилди;

➢ харажатлар 1 090 889,3 млн сўмга оширилди;

б) республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга (марказий давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар ва ҳ.к.) ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3 049 055,7 млн сўмга оширилди.

Сенатнинг 18 декабрдаги мажлисида таъкидланганидек, тузатишлар Инқирозга қарши курашиш жамғармасининг харажатлари 10 трлн сўмдан 13,4 трлн сўмгача кўпайтирилганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган. Коронавирус пандемиясининг кутилганидан узоқроқ давом этаётганлиги ва кўшимча харажатлар юзага келиши бундай тузатишлар киритилишига сабаб бўлди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 23.12.2020 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Инфратузилмани ривожлантириш харажатлари қандай қопланади

Президентнинг 18.12.2020 йилдаги ПҚ-4929-сон қарори билан ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

2021 йилда Республика ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишга 1 трлн сўм ажратилиши назарда тутилган:

➢ махсус иқтисодий ва кичик sanoat зоналари учун ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуришга;


➢ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳаларни амалга оширишга;

➢ тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларига.

Харажатлар қуйидаги тартибда қопланади:

а) МИЗ ва КСЗ ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш тадбирларига;

➢ ичимлик суви, оқова сув тармоқларини ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;



➢ электр энергияси ва табиий газ тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича – тегишлича таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарга ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан 5% ставкада 3 йил муддатда қайтариш шarti билан ажратиладиган бюджет сусдаси маблағлари ҳисобидан;

➢ алоқа тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича – таъминотчи корхоналар томонидан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ таъминотчи корхоналарнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади;

б) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берадиган лойиҳалар ва тадбирларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (таъмирлаш) ишлари бўйича – Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Бюджет сусдаси маблағлари электр энергияси тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Худудий электр тармоқлари» АЖга ҳамда табиий газ тармоқларини қуриш, реконст-

рукция қилиш ва таъмирлаш ишлари учун «Худуд-газтаъминот» АЖга ажратилади. МИЗ ва КСЗ ҳамда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бош бошқармалари ҳузуридаги автомобиль йўлларини ривожлантириш жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат бюджетидан маблағлар ажратилишининг мақсада мувофиқлигини аниқлаш бўйича махсус комиссия ташкил этилди. Махсус комиссиянинг ишчи органи этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги вазифалар топширилди:

➢ 2021–2022 йилларда махсус иқтисодий зоналарни ва кичик sanoat зоналарини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашга оид чора-тадбирларнинг манзилли руйхатларини тасдиқлаш;

➢ 2021 йил 1 апрелга қадар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида қиймати 250 млрд сўм миқдордан ошадиган хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестиция лойиҳалари ташқи инфратузилмасини яратиш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қўллаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.12.2020 йилдан кучга кирди.

Эльмира Сиразиева.

ҲУРМАТЛИ ЎҚУВЧИЛАР!

«Норма маслаҳатчи» газетасининг биринчи сони 2021 йил 12 январь сешанба куни чиқади.

2-бетда

Ушбу сонда:

4-БЕТ

Дресс-кодга риоя этилмаганда ишдан бўшатиш мумкинми?

6-БЕТ

Фойдаланилмаган таътиллار фақат ишдан бўшаётганда олинандими?

7-БЕТ

Корхона қайта ташкил этилди: ходимнинг ЯММТдаги стажи қандай ҳисобга олинади?

8-БЕТ

Асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари

Бўш турган объектларни фойдаланишга бериш оптималлаштирилади

Вазирлар Маҳкамасининг 17.12.2020 йилдаги 793-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хужжат Президентнинг «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1.07.2020 йилдаги ПҚ-4771-сон) ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги «Давлат мулкни ижарага бериш маркази» давлат унитар корхоналари негизда Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ташкил этилган.

Тасдиқланган Низомда қуйидагилар белгиланган:

- Марказнинг ҳуқуқий мақоми ва тузилмаси;
- Марказ ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ва функциялари;

➢ Марказ раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ва жавобгарлиги;

➢ Марказ фаолиятининг ташкилий асослари, ҳисобдорлиги, фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари, маслаҳат ва эксперт органлари;

➢ Марказ фаолиятини молиялаштириш ҳамда ҳодимларини моддий рағбатлантириш тартиби.

Марказ мустақил балансга, банк ҳисобварағига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

➢ мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тоифадаги бўш турган нотураб бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ва ҳисобини юритиш;

➢ бўш турган давлат мулки объектларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш;

➢ ижарага берилган давлат мулки объектларини ва уларни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва уларнинг мониторингини олиб бориш;

➢ ижарага берилган давлат мулки объектларидан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

➢ давлат ташкилотларига (корхоналарига) бириктирилган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини белгиланган тартибда текшириш;



➢ давлат ташкилотларига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортқича қисмини, шунингдек фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш;

➢ Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳуласига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➢ бўш турган хусусий мулк объектларини уларнинг мулкдорлари ихтиёрига қўра ижарага берилишида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш.

Марказ давлат органи ҳисобланиб, унга юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни сўраб олишга ҳақлидир.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.12.2020 йилдан кучга кирди.

Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида қандай пулли хизматлар кўрсатилади

Вазирлар Маҳкамасининг 17.12.2020 йилдаги 795-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги низомга (ВМнинг 28.03.2016 йилдаги 89-сон қарори билан тасдиқланган) қўшимчалар киритилди.

Хусусан, ҳужжатда аниқлаштирилишича, пулли хизматлар автомобиль ўтказиш пунктининг нормал фаолиятига таъсир этмаган ҳолда, қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулкни ижарага бериш орқали белгиланган тартибда фақат тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади.

Пулли хизматлар кўрсатилиши учун автомобиль ўтказиш пунктининг географик жойлашуви, кўрсатилиши мумкин бўлган пулли хизматлар тури ҳамда уларни кўрсатиш учун ажратилиши мумкин бўлган майдон, ўтказиш пунктининг ўтказувчанлик қобилияти инобатга олинади.

Шунингдек Низом Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида кўрсатиладиган пулли хизматлар рўйхати билан тўлдирилди. Улар қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган мобил алоқа операторлари хизматлари;
- овқатланиш ҳамда санитар-гигиеник хизматларни ташкил этиш бўйича фаолият;
- бож олинмайдиган савдо дўконларида товарларнинг чакана савдоси;
- йўловчилар учун қўл аравачаларини ижарага бериш;



➢ йўловчилар ва уларнинг юкларини ўтказиш пункти ичида ташиш хизмати;

➢ ўтказиш пункти орқали ҳаракатланаётган транспорт воситаларини майда таъмирлаш ишлари ҳамда уларни эвакуация қилиш;

➢ ҳажми катта бўлмаган қўл юкларини сақлаб бериш;

➢ транспорт воситаларида ташилаётган юклар билан операциялар амалга ошириш (юк ортиш, тушириш, қайта юклаш);

➢ таржимонлик хизмати;

➢ хизмат кўрсатиш (йўловчи божхона декларацияси ва миграция бланкаларини тўлдириб бериш, турли компьютер хизматлари, факс, Интернет) хоналари;

➢ такси чақириш хизмати.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.12.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдузимова.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
1-2-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Хизматлар сифатини тасдиқлаш лозим
– Бошқа ишончнома беринг
– Зарарларни қоплаш
3-бет

• МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ

– Кийиниш қоидаларига (дресс-кодга) риоя этилмаганда ишдан бўшатиш муминми?

• ПЕНСИЯ МАСАЛАЛАРИ

– Хорижда ишлаётганларга пенсия қандай тайинланади?
4-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Қўшимча битимни расмийлаштиринг
– Иккита вариант мавжуд

– Қандай қилиб 2021 йилда кўпроқ кун дам олиш мумкин

– Компенсация – фақат ишдан бўшатиш билан

– Ходимни мунтазам «касаллик варақаси»да бўлгани учун ишдан бўшатиш мумкинми?
5-6-бетлар

• МУТАХАССИС ШАРҲИ

– Корхона қайта ташкил этилганда хо-

димнинг ЯММТдаги стажи қандай ҳисобга олинади?

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Рўйхатдан ўтказишлари шарт

– Низомга мувофиқ талаб қилинг

– Меҳмонлар кетолмай қолганда

• БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

– Қайта баҳолашни бошлаймиз
7-8-бетлар

Хизматлар сифатини тасдиқлаш лозим

Кўп қаватли уйда иссиқлик таъминоти хизматлари лозим даражада кўрсатилмаяпти. Квартирадаги ҳаво ҳарорати 14 даражани ташкил этапти. Уйда яшовчилар туман иссиқлик таъминоти бўлимига кўп марта мурожаат қилдилар, лекин натижа бўлмапти.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун қайси инстанцияларга мурожаат қилиш керак?

Иссиқлик таъминоти берилмаган давр учун ҳақ тўлашни рад қилиш мумкинми?

– Иссиқлик таъминоти бўйича тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун таъминот сифати лозим даражада бўлмаганлиги қайд этилган ҳужжатлар бўлиши керак.

Иситиш мавсуми даврида ҳаво ҳарорати иссиқлик таъминоти бўйича белгиланган меъёрларга мувофиқ бўлиши керак:

➢ турар жой хоналаридаги ҳарорати камида 20°C;

➢ 1995 йилгача қурилган кўп қаватли турар жой хоналаридаги ҳарорати камида 18°C;

➢ иссиқлик тизими реконструкция қилинмаган уйларда – турар жой хоналарини иситиш тадбирларини амалга ошириш шароитидаги ҳарорат камида 18°C бўлиши лозим (Қоидаларнинг 12-б., ВМнинг 15.07.2014 йилдаги 194-сон қарорига 1-илова).

Иссиқлик энергияси таъминоти нормативлари, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб ва қайта ҳисоб-китоб қилиш тартиби, неустойка тўланадиган ҳолатлар ва бошқалар иссиқлик таъминоти шартномасида кўрсатилиши лозим. Юқорида келтирилган нормативлар муайян шартларга риоя этилганда ҳақиқий ҳисобланади (Қоидаларнинг 4, 7, 9-б.).

Етказиб берувчининг айби билан иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатилмаганда ёки хизматлар зарур сифат ва тартибда кўрсатилмаганда, истеъмолчи:

➢ неустойка (жарималар, пенялар) тўлашни;

➢ қайта ҳисоб-китоб амалга ошири-

лишини талаб қилишга ҳақли (Қоидаларнинг 85-б. 4-хатбошиси).

Истеъмолчилар томонидан иссиқлик таъминоти йўқлиги ёки иссиқлик манбаининг пасайиши тўғрисида ариза берилгандан кейин етказиб берувчи 18 соат мобайнида ариза берувчининг вакиллари иштирокида тегишли далолатномани тузиш учун ўз вакили ҳозир бўлишини таъминлаши лозим (Қоидаларнинг XII, XIII бўлими 76-б.).

Иссиқлик таъминоти шартномасида белгиланганидан ортиқча танаффуслар вақти учун иссиқлик таъминоти хизматларига ҳақ тўламаслик мумкин (Қоидаларнинг 85-б. 3-хатбошиси).

Коммунал хизматлар кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги тўғрисидаги шикоят билан Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига, зарарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин (ФПК II бўлими 2-кичик бўлими; Низомнинг 11-б. «а» кичик б., ВМнинг 19.12.2019 йилдаги 1015-сон қарорига 1-илова; Низомнинг 10-б. «а» кичик б. 21-хатбошиси, ВМнинг 2.06.2017 йилдаги 340-сон қарорига 1-илова). Бироқ шунга эътиборни қаратиш кераки, ариза бериш учун сизда етказиб берилаётган иссиқлик таъминотининг пасайиши далили қайд этилган ҳужжатлар бўлиши лозим.

Наргиза Воҳидова,
«Норма» МЧЖ эксперти.

Бошқа ишончнома беринг

Электрон шартнома берилганда товарларни етказиб берувчи аввал берилган ишончномани бекор қилишни ҳамда унга бошқа рақам ва сана қўймасдан, бироқ муддатини узайтирган ҳолда тақдим этишни сўради.

Ишончномани қайта бериш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади?

– Ишончномани аввалги рақам ва санаси билан, бироқ муддатини узайтирган ҳолда бериш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Электрон ишончномаларни беришда Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида улар рўйхатга олинади. Журнал белгиланган шаклда юритилиши ҳамда рақамланиши ва тикиб қўйилиши лозим (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БҲМСга 3-илованинг 96-б.).

Фойдаланилмаган ишончномалар уларнинг амал қилиш муддати тугаган кундан кейинги куни берилган ташкилотга қайтарилиши лозим. Бу ҳақда Ҳисобга олиш журналида «Ишончномалар бўйича топшириқлар бажарилмаганлиги тўғрисидаги қайдлар» графасига ёзув киритилади. Фойдаланилмаган

ишончномалар «Фойдаланилмаган» ёзуви билан ёпилади (4-сон БҲМСнинг 99-б.). Ушбу талаб мазмунидан келиб чиққан ҳолда муддати тугаганлиги сабабли битта ишончноманинг такроран берилиши тақиқланади.

Бундан ташқари, Ҳисобга олиш журналида ишончномаларни бериш чоғида тўлдирилмаган «Амал қилиш муддати» графаси мавжуд. Айнан битта ишончнома, бироқ бошқа муддат билан такроран берилган ҳолатларда ушбу графага тузатиш киритишга тўғри келади, лекин бунга йўл қўйилмайди.

Шу муносабат билан мазкур етказиб берувчига бошқа амал қилиш муддати кўрсатилган (кўпроқ муддатга) янги ишончномани бериш тавсия этилади.

Нурали Нурмухамедов,
«Норма» МЧЖ эксперти.

Давлат муассасаси (буюртмачи) бош пудратчига далолатнома (қурилиш пудрати) бўйича материалларни берди. Ишлар якунланганидан кейин бош пудратчида қолган даваль хом ашёнинг бир қисми яроқсиз ҳолга келган ёки йўқотилган. Шу сабабдан у қолдиқларни ва таъмирланмаган материалларни буюртмачига қайтара олмайд.

Пудратчи томонидан буюртмачига зарарлар қоплаб берилиши қандай тартибда расмийлаштирилади?

Зарарларни қоплаш

– Ишлар якунланганидан кейин пудратчи:

➢ берилган материалларнинг сарфи ҳақидаги ҳисоботни **буюртмачига тақдим этиши;**

➢ материаллар қолдигини қайтариши;

➢ фойдаланилмай қолган материалларни ҳисобга олган ҳолда буюртмачининг розилиги билан ишлар нархини камайтириши лозим (ФК 640-м. 1-қ.; ОХСПнинг 23.12.2016 йилдаги 306-сон қарори 16-б.).

Буюртмачи мол-мулки йўқотилганлиги сабабли унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек шартномада шартномавий мажбуриятлар бузилганлиги учун неустойка (жарима) тўлаш назарда тутилмиши мумкин. Етказилган зарар асосланган ҳисоб-китоблар, калькуляция билан тасдиқланади ва неустойка билан қопланмаган қисми қоплаб берилади (ФК 14, 260-м., 325-м. 1-қ.; ОХСПнинг 306-сон қарори 7.3-б.).

Зарарни қоплаш талаби даъво аризаси билан расмийлаштирилади. Даъво аризасига қўйилаётган талабларни тасдиқловчи ҳужжатлар (етказилган зарар ҳисоб-китоби, шартноманинг нусхаси, давал хом ашёни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва ҳ.к.) илова қилинади. Даъво аризасини кўриб чиқиш муддати, агар шартномада бошқача муддат назарда тутилмаган бўлса, 15 кунни ташкил этади. Даъво аризасига жавоб олинган кундан эътиборан 20 кун мобайнида қарздор томонидан тан олинган пул маблағларини унинг ҳисобрақамидан эътирозларсиз ечиб олишга тўлов талабномаси берилиши мумкин. Даъво талаблари қаноатлантирилмаган ҳолатларда иш иқтисодий судда кўрилади («Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 18-м. 1, 5-қ., 36-м.).

Наргиза Воҳидова,
«Норма» МЧЖ эксперти.



Эълов

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Норма» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59

телефони орқали

(шаҳарлараро кўнгириклар учун кодлар: уяли телефондан +99871, стационар телефондан 0371) солиқ солиши ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



Кийиниш қоидаларига (дресс-кодга) риоя этилмаганда ишдан бўшатиш мумкинми?

Компания ходимаси ишга лозим даражада кийиниб келмайди, бу ҳолат мунтазам давом этмоқда. Раҳбар уни ишдан бўшатишни талаб қилапти.

Кийиниш одобини бузганлиги учун ходимага нисбатан қандай чораларни қўллашимиз мумкин?

– Бунда ҳаммаси ташкилотингизда ходимларнинг ташқи кўринишига нисбатан талаблар белгиланганлиги боғлиқ бўлади. Яъни, аввало, компания ҳужжатларида кийиниш қоидаларини тўғри белгилаш лозим. Бунинг учун кийиниш қоидаларига риоя этиши мажбурий бўлган ходимлар рўйхатини тузинг (масалан, доимий равишда мижозлар билан муомалада бўладиган ходимларни танлаб олинг). Локал ҳужжатларда бундай талабларни аниқ-равшан белгиланг.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасига, жамоа шартномасига, ички меҳнат тартиби қоидаларига (ИМТҚ) кийиниш қоидалари тўғрисидаги низом ҳамда унга риоя этилиши лозимлиги киритилади. Йирик компаниялар алоҳида локал ҳужжатни – Ходимларнинг ташқи кўриниши тўғрисидаги низом, Корпоратив кодекс, Ахлоқ-одоб қоидаларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳужжат иш берувчи томонидан тасдиқланади, ва имконият даражасида ходимларнинг вакиллик органлари (улар мавжуд бўлган тақдирда) билан келишिलाди.

МКнинг 176-моддасида айтилишича, ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг

қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкни авайлаб-асраши шарт. Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йуриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. МКнинг 178-моддасида эса ҳар бир ходим ўзига юклатилган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозимлиги белгиланган. Шу боис, агар компанияда кийиниш қоидаларини қўллаш тўғрисида тасдиқланган ҳужжат мавжуд ва ходимлар ушбу ҳужжат билан таништирилган бўлса, унга мажбурий тартибда риоя этилиши шарт. Шунингдек ходим билан тузилган меҳнат шартномасида қайд этилган ташқи кўриниш қоидаларига риоя этилиши тўғрисидаги шартни бажариш ҳам мажбурий ҳисобланади.

Тегишли равишда, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги, айниқса белгиланган кийиниш қоидаларига (дресс-код)

риоя этмаганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли: хайфсан, жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш (МК 181-м.). Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши МКнинг 182-моддаси қоидаларига биноан расмийлаштирилади.

Раҳбар ходимни ишдан бўшатишни талаб қилганда, буни тартиб-таомилларга тўғри риоя этган ҳолда амалга ошириш лозим.

МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3 ва 4-бандларидан келиб чиққан ҳолда, тегишинча ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги ҳамда мунтазам равишда бузганлиги учун у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин.

Бунда 3-банд бўйича (меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлик учун) ходимни сўндирилмаган ёки ҳали олиб ташланмаган интизомий ундирувлари мавжуд бўла туриб кийиниш одо-бига риоя этмаганлиги учун ишдан бўшатиш мумкин. Яъни кийиниш одобини бузганлиги учун интизомий жазога тортилган кундан эътиборан бир йил давомида худди шундай ҳолат такрорланган тақдирда ходим ишдан бўшатилади.

Масалан, ўтган ойда ходимага нисбатан биринчи марта интизомий жазо қўлланилган, кийиниш қоидаларини бузганлиги учун жаримага тортилган. Бир ой ўтган у яна кийиниш қоидаларини бузиб, ташқи кўриниши кийиниш қоидалари талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатда ишга келган. Бу билан у

ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузган ҳисобланади ва оқибатда МКнинг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига кўра ишдан бўшатилиши мумкин.

МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-банди бўйича (меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун) ходимни фақат қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолатларда ишдан бўшатишнинг мумкин:

➤ компаниянгизда тасдиқланган ва ходимларнинг вакиллик органи томонидан келишилган ИМТҚ мавжуд бўлса;

➤ ИМТҚда кийиниш қоидаларига риоя этмаслик меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузиш ҳолатлари рўйхатида келтирилган ва бунинг оқибатида меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатилган бўлса.

Ушбу асосларга кўра ишдан бўшатиладиган ходим бу ҳақда 3 кун олдин огоҳлантирилиши ёки унга мутаносиб равишда пуллик компенсация тўланиши лозим. Бундан ташқари меҳнат шартномасини бекор қилишда, агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бу ҳолатни улар билан келишиб олиш лозим (МК 101-м., 102-м. 5-қ.).

Юқорида айтиб ўтилган ишдан бўшатиш ҳолатларини қўллашнинг имкони бўлмаса (масалан, компанияда ИМТҚ мавжуд бўлмаса; биринчи марта қоидабузарлик учун оғзаки огоҳлантириш берилган – интизомий жазо буйруқ билан расмийлаштирилмаган бўлса ва х.к.) ходимни жаримага тортиш ёки унга хайфсан эълон қилиш мумкин.

Ленара Хикматова,
«Norma» компанияси эксперти.

ПЕНСИЯ МАСАЛАЛАРИ

Хоржда ишлаётганларга пенсия қандай тайинланади?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, давлат пенсиялари иш стажига эга бўлган фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш тартибини, шунингдек улар томонидан Пенсия жамғармасига тўланган ягона ижтимоий тўловини, пенсияни ҳисоблаш учун олинмаган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори билан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.

Низомга мувофиқ, чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс бошқа давлатда ишлаган ҳар бир ойи учун Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловни ихтиёрий равишда тўлайди.

Чет элда бўлиш даври меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар, паспортдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги ёзувлар (муҳрлар, штамплар ёки белгилар) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг кўрсатиб ўтилган шахснинг бошқа давлатда бўлган вақти ва консуллик ҳисобига қўйилганлиги маълумоти кўрсатилган тегишли ҳужжатлар асосида тасдиқланади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов миқдорини мустақил равишда, бироқ йилга Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш санасида қонун ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг тўрт ярим баробари миқдорда

белгилаши мумкин. Бугунги кунда чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан бир йил учун тўланадиган ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори 2020 йил 1 декабрь ҳолатига 1 181 115 сўмини ташкил этади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс томонидан ягона ижтимоий тўлов тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

➤ ҳар ойда ёки ҳар чоракда;

➤ бир йўла – Ўзбекистон Республикасига келган кундан бошлаб уч йил мобайнида.

Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда ягона ижтимоий тўлов тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана ягона ижтимоий тўлов тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, СТИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Миллий валютадаги ягона ижтимоий тўлов чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларига хизмат кўрсатаётган банкларда очилган Пенсия жамғармасининг тегишли даромад транзит ҳисоб рақамларига унинг томонидан мустақил равишда, оила аъзолари ёки ишончли вакил томонидан тўланади.

Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш хорижий валютада (бошқа давлат ҳудудидан) Пенсия жамғармасининг махсус валюта ҳисобрақамларига амалга оширилиши мумкин ва тўлов санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютага қайта ҳисоблаб чиқилади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлашни тўхта-тиб турганда, пенсия тайинлаш учун олинмаган иш стажини ҳисоби Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўланган сўнгги санадан бошлаб тўхтатиб турилади.

Пенсия жамғармасига тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдори ягона ижтимоий тўловнинг белгиланган миқдоридан кам бўлган тақдирда, пенсия тайинлаш учун олинмаган тегишли давр учун иш стажини зарур маблағларни қўшимча равишда киритиш шартини ҳисобга олинади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс Пенсия жамғармасига тўланган ягона ижтимоий тўлов ҳисоби унинг доимий яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органида юритилади.

Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслар иш стажига улар фаолият юритган ва Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаган даврлари киритилади.

Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмаган аниқ бир ой (йил) учун чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахснинг даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик):

➤ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – сугурта бадаллари суммасини Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ва фуқароларнинг сугурта бадалларининг умумий ставкасига;

➤ 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ягона ижтимоий тўлов суммасини Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Наманган вилояти бўйича 2020 йил 1 декабрь ҳолатига чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахслардан 38 нафари Пенсия жамғармасига ижтимоий тўлов тўлаган ва шулардан 9 нафарига пенсия тайинланган.

Пенсия жамғармаси Матбуот хизмати.
Ў.А.


Кўшимча битимни расмийлаштиринг

Ходима мuddатли меҳнат шартномаси бўйича ишга олинди, шартноманинг амал қилиш мuddати 2020 йил декабрда тугайди. Иш даврида у ҳомиладорлик ва туғиш таътилини расмийлаштирган, ушбу таътил 2021 йил январда тугаши керак. Корхона раҳбарияти у билан меҳнат муносабатларини давом эттирмоқчи бўляпти. Ходиманинг ўзи ҳам ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин меҳнат фаолиятини давом эттириш ниятида.

Ушбу ходима билан меҳнат муносабатларининг давом этиши қандай тўғри расмийлаштирилади?

– Иш берувчи ижтимоий таътилда, шу жумладан ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган ходиманинг розилиги билан бошқа ишлаётган ходимлар билан меҳнат муносабатларида қўлланиладиган тартибда у билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш мuddатини ўзгартиришга ҳақли (МК 88, 96-м.).

Меҳнат шартномаси мuddати тугагунга қадар меҳнат муносабатларининг кейинги мuddатларини белгилловчи қўшимча шартномасини расмийлаштириши лозим. Унга асосан буйруқ чиқарилади, унда ходима ижтимоий таътилдалиги, шунингдек унинг тугаши санаси кўрсатилади. Болани 2 ёшгача парваришlash таътилида бўлганда нафақа олиш ҳуқуқи ҳам кўрсатилади.



2020 йил «04» январдаги _____сонли меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида _____сонли қўшимча битим

2020 йил «25» декабрь

Тошкент ш.

«Feniks» масъулияти чекланган жамияти директор **Рахматов Собир Собирович** тимсолида кейинчалик «Иш берувчи» деб номланувчи, ҳамда **Саидова Нодира Анваровна (Saidova Nodira Anvarovna)** кейинчалик «Ходим» деб номланувчи, биргаликда «Томонлар» деб аталувчилар куйидагилар тўғрисида қўшимча битим туздилар:

1. Томонлар 2020 йил 4 январдаги _____сонли меҳнат шартномаси шартларини ўзгартиришга келишишиди.
2. Томонлар мазкур қўшимча битимнинг 1-бандига мувофиқ меҳнат шартномасига куйидаги ўзгартиришларни киритадилар:
 - 2.1) меҳнат шартномасининг 3-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Шартнома мuddати – 31.12.2021 й.»
3. Мазкур битим меҳнат шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бирга қўлланилади.
4. Мазкур қўшимча битим махфий ҳисобланади ва учинчи шахсларга битим ҳам, унинг бирор қисми ҳам ошкор этилмайди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.
5. Мазкур қўшимча битим икки нусхада тузилди, ҳар бир Томонга бир нусхадан берилади ва 2021 йил 1 январдан кучга киради.

Иш берувчи

Ходим

_____сонли БУЙРУҚ

2020 йил «28» декабрь

Тошкент ш.

«Меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш ҳақида»

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 88 ва 96-моддаларига мувофиқ катта қўйсодчи **Саидова Нодира Анваровна (Saidova Nodira Anvarovna)** розилиги билан меҳнат шартномасининг мuddати – 2021 йил 31 декабрда деб ўзгартирилсин.

Асос: 2020 йил 4 январдаги _____сонли меҳнат шартномасига _____сонли қўшимча битим

2. **Саидова Нодира Анваровна (Saidova Nodira Anvarovna)** 2021 йил « _____» январгача ҳомиладорлик ва туғиш таътилида (меҳнат шартномасининг амал қилиш мuddати давомида болани парваришlash нафақаси бериладиган болани 2 ёшгача парваришlash таътилида) деб ҳисоблансин.

*Меҳнат шартномасининг амал қилиш мuddати давомида бола 2 ёшга тўлмаган ҳолатларда шундай формулировка қўлланилиши тавсия этилади. Агар меҳнат шартномаси мuddати тугагунга қадар бола 2 ёшга тўлса тақдирда, 2 ёшга тўладиган сана кўрсатилади.

Ходим асосий лавозими бўйича 1 ставкада бошқа лавозими бўйича ўриндошликда 0,25 ставкада ишлайди.

Табелда асосий лавозими бўйича неча соат ҳамда ўриндошлик лавозими бўйича неча соат қайд этилиши лозим?

Иккита вариант мавжуд

– Корхонада айнан бир ходим томонидан қўшимча вазифаларни бажаришнинг икки варианты мавжуд (МК 160-м.; ВМнинг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

1. Ходим асосий ишидан бўш вақтларида ички ўриндошлик бўйича ишлайди:

а) у билан иккита меҳнат шартномаси тузилади: биттаси – асосий иш жойи бўйича, иккинчиси – ўриндошлик бўйича;

б) ходим асосий лавозими бўйича тўлиқ иш куни ва ўриндошлик бўйича 0,25 (чорак) иш куни ишлаши лозим. Ёки бир ҳафтада ишланган соатлар иш вақти нормасига тўғри келиши учун ўриндошлик бўйича ишларни асосий ишидан бўш вақтларида чорак ставкада бажариши лозим;

в) ходимга 2 та табель рақами берилади – асосий ва ўриндошликдаги лавозимлари бўйича;

г) асосий лавозим бўйича табелда тўлиқ ставка бўйича соатлар қайд этилади (масалан, 5 кунлик иш ҳафтасида 8 соатдан);

д) ўриндошлик бўйича табелда

0,25 ставка бўйича соатлар қайд этилади (масалан, 5 кунлик иш ҳафтасида 2 соатдан);

е) иккала лавозим бўйича иш ҳақи ҳисобланади.

2. Ходим асосий лавозими бўйича ишларни бажариш билан бир вақтда ички ўриндошлик шартларида бўш лавозим бўйича ишларни ҳам бажаради, бунда:

а) иккинчи меҳнат шартномаси тузилмайди;

б) бўш лавозим бўйича қўшимча мажбуриятларни бажариш шартлари ёки меҳнат шартномасига киритилади ёхуд бу ҳақда томонларнинг келишувига кўра мажбурий тартибда буйруқ чиқарилади;

в) мазкур ҳолатда табель рақами битта бўлади. Иш вақти фақат тўлиқ ставка бўйича қайд этилади (масалан, 5 кунлик иш ҳафтасида 8 соатдан), сабаби ходим қўшимча ишларни иш вақтидан ташқари вақтда бажаради;

г) мазкур ҳолатда ходимга қўшимча ишларни бажарганлиги учун бўш лавозим бўйича лавозим маошининг 25%и миқдорида қўшимча тўлов тўланади (бу саволда ҳам кўрсатилган эди).

Қандай қилиб 2021 йилда кўпроқ кун дам олиш мумкин

2021 йил 2 январь ва 4 сентябрь дам олиш кунлари деб эълон қилинган (3.12.2020 йилдаги ПФ-6122-сон Фармон). 2021 йил учун таътил ҳисоб-китобида 6-кунлик иш ҳафтасида уларни чиқариб ташлаш зарурми?

– Қонунчилик «ишланмайдиган кунлар» ва «қўшимча дам олиш кунлари» тушунчаларини аниқ ажратади (3.12.2020 йилдаги ПФ-6122-сон Фармон). Жумладан:

2 январь, 20 март ва 4 сентябрь (шанба кунлари), шунингдек 22 март (душанба) – иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ташкилотлар учун ишланмайдиган кунлар этиб белгиланди;

2 ва 3 сентябрь (пайшанба ва жума) – бу барча учун қўшимча дам олиш кунлари. Айнан ушбу икки кун бюджет ташкилотларида ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлигини қисқартириш ҳисобига қопланади.

Шу боис таътил кунлари ҳисоб-китобига фақат қўшимча дам олиш кунлари – 2 ва 3 сентябрь киритилмайди, 2021 йил учун барча тоифалар учун белгиланган умумий ишланмайдиган кунлар эса унга киритилиши керак (МК 139-м.).

«Таътил пули» миқдорини аниқлашда унга қўшимча ишланмайдиган кунларни (фақат 2020 йил 2 ва 3 сентябрь кунлари) қўшган ҳолда ҳар йиллик меҳнат таътилининг ҳақиқий давомийлигини ҳисобга олинг.

Ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда 15 иш кунидан кам бўлмаслиги керак. Ҳисоб-китоб тартибда «опти кунлик»лар учун истисно мавжуд эмас.

Таътиллار графигини тузишда ходимларнинг розилиги билан шундай ҳисоб-китоб билан меҳнат таътиллари тақдим этинки, улар байрам дам олиш кунидан кейин бошлансин ёки байрамлар арафасида тугасин. Шу тариқа, ходимлар учун дам олиш кунларининг (таътилнинг эмас) умумий сони кўпаяди.

Агар таътил режалаштирилган бўлиб, бошқа, байрам дам олиш вақтига тўғриланмаган вақтда фойдаланилаётган бўлса, у 6-кунлик иш ҳафтасидан келиб чиқиб одатдаги тартибда ҳисобланади (МК 139-м.). Байрам кунлари эса ПФ-6122-сон Фармонга асосан тўлиқ ҳажмда фойдаланилади.

Хусусий ташкилотларда қўшимча дам олиш кунлари меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Компенсация – фақат ишдан бўшатишдан

1. 2018–2020 йиллар мобайнида ходим умуман таътилдан фойдаланмаган ҳолларда нималарга эътибор қаратилади?

2. Ходим 2018 ва 2019 йиллар учун фойдаланилмаган таътил учун компенсацияни ҳамда 2020 йил учун таътилни қонунни бузмаган ҳолда қандай олиши мумкин?

3. Ходим фойдаланилмаган таътиллари фақат ишдан бўшаганда олиши мумкинми? Ходим ишдан бўшамайдиган бўлса, фойдаланилмаган таътиллари қачон олиши мумкин?

– Ходим йиллик меҳнат таътили олишга ҳақли, иш берувчи эса қонун ҳужжатларига мувофиқ таътил бериши шарт.

1. Иш берувчи таътиллари жадвалига риоя этилишини назорат қилиши лозим. Ҳар бир иш даври тугагунга қадар ходимларга меҳнат таътили тақдим этилмаслиги иш берувчи учун ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва текширув ўтказилганда 5 БҲМдан 10 БҲМгача жарима солиниши сабаб бўлади (МЖТКнинг 49-м.).

Хатто ходимнинг розилиги билан ёки унинг илтимосига кўра меҳнат таътиллари тақдим этилмаслиги тақиқланади. Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни 12 иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин. Шу йили таътилни қолган қисмидан мажбурий тартибда албатта фойдаланилиши лозим (МК 143-м. 6-қ.).

Меҳнат таътиллари берилмаган даврларга эътиборни қаратамиз, улар календарь йиллар бўла олмайди (саволдан – 2018–2020 йиллар). Ҳар бир ходимда улар меҳнат шартномаси бўйича иш бошланган санадан ҳисобланади. Ходим ишга календарь йилнинг 1-иш кунидан ишга қабул қилинган бўлса, иш йили календарь йилга мос келиши мумкин.

Шу тарихқа, агар ходим, масалан 2018 йил 1 августда ишга қабул қилинган бўлса, унинг иш даври куйидагича ҳисобланади:

1 иш йили – 1.08.2018 йилдан 31.07.2019 йилгача;

2 иш йили – 1.08.2019 йилдан 31.07.2020 йилгача;

3 иш йили – 1.08.2020 йилдан 31.07.2021 йилгача (ҳали тугамаган ва бу таътилни 2021 йил 31 июлгача тақдим этиш мумкин).


2. Фойдаланилмаган барча (йиллик асосий ва қўшимча) таътиллари учун пуллик компенсация ходимга фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланади (МК 151-м.). Шу боис ходимнинг бутун давр учун пуллик компенсацияни олиш истаги эътиборга олинмайди.

Ходим илгари фойдаланилмаган барча таътилларидан ёки энг кам давомийликка тенг бўлган уларнинг бир қисмидан фойдаланишга ҳамда ҳар йили қўшимча таътил кунлари учун (энг кам давомийлиги – 15 кундан ортиқ бўлганда) пуллик компенсация олишга ҳақли бўлади.

3. Ходим нафақат ишдан бўшатишдан, бошқа ҳолатларда ҳам илгари фойдаланилмаган барча таътилларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ходимнинг узоқ вақт ишдан бўлмаслиги ишлаб чиқариш манфаатларига тўғри келмайди. Иш берувчига ходим билан илгари фойдаланилмаган таътиллари босқичма-босқич фойдаланиш ҳақида битим тузишни, кейинчалик эса ҳар йили таътил беришни тавсия қиламиз. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда фойдаланилмаган таътиллари қолиб кетмаганлиги текшириб қўрилиши ва бундай таътиллари мавжуд бўлса пуллик компенсация тўланиши лозим.

Валерия Ляндрес,
кадрлар хизмати ходими.



Ходимни мунтазам «касаллик варақаси»да бўлгани учун ишдан бўшатиш мумкинми?

Ходим тез-тез касал бўлади ва деярли «касаллик варақаси»да ўтирибди. Табиийки, у ўз функцияларини барқарор бажара олмайди. Шахс қанча узоқ муддат «бюллетенда» бўлиши мумкин? Биз уни соғлиги ҳолатига кўра ишдан бўшатишимиз мумкинми?

Иш берувчи қандай асосларга биноан «сурункали-лаёқатсиз» ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкинлиги ҳақида buxgalter.uz илтимосига биноан «Norma» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленера Хикматова сўзлаб берди:

– Касаллик ва шикастланганлик бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақалари меҳнатга лаёқатсиз шахс мурожаат қилган ёхуд даволанган даволаш-профилактика муассасаси (ДПМ) томонидан меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган кундан бошлаб берилади (Йўриқноманинг 9-б., АВ рақами 2667, 17.04.2015 й.).

Амбулатория шароитида даволанишда даволоччи шифокор яқка ўзи 5 календарь кунигача «касаллик варақаси» беришга ҳақли. Кейинчалик унинг муддати даволоччи шифокор ва бўлим мудри томонидан ҳар сафар 10 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади (Йўриқноманинг 10-б.). Бироқ бу бюллетенни чексиз узайтириш мумкинлигини аниқламайди. Муайян муддатлардан кейин бемор тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига (ТМЭК) юборилади:

➤ айнан бир касаллик бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври узлуксиз 4 ойни ташкил қилса (сил касаллиги биринчи марта аниқланганда – 10 ой, у кучайганда – 6 ой);

➤ айнан бир касаллик бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври танаффус билан бир йил мобайнида жами 6 ойни ташкил қилса.

Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахслар, шунингдек нохуш клиник прогнозли беморлар ушбу муддатлар ўтмасдан туриб ҳам ТМЭКга юборилиши мумкин (Йўриқноманинг 22-б.).

Бемор ТМЭКга юборилганда меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг муддати тўхтатилади. Бемор ҳужжатлари ТМЭКда қабул қилинган кундан бошлаб 2 ҳафта муддатда тиббий кўрик ўтказилади. ТМЭК томонидан ногиронлик белгиланмаган бўлса, лекин у ҳануз меҳнатга лаёқатсиз бўлса, «касаллик варақаси» ДПМ томонидан унинг меҳнат қобилияти тиклангунга қадар, аммо 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилади (Йўриқноманинг 24-б.).

Агар сизнинг ходимингиз тез-тез ва узоқ касалланса, ДПМ бош шифокорининг буйруғи асосида у муайян шифокорга бирик-

тирилади, ушбу шифокор томонидан бюллетень берилди. Бу ҳақда ДПМ сизнинг ташкилотингизни хабардор қилади (Йўриқноманинг 16-б.).

Агар сизда мунтазам касалланмаган ходим бўлса ёки сизнинг у «касаллик варақаси»ни суиистеъмол қилаётганлиги юзасидан гумонингиз бўлса, сиз ҳар доим тегишли ДПМга иш берувчи ташкилот номидан ёзма ёки электрон мурожаат юборишингиз мумкин. Мурожаатда касалликнинг тавсифи, «касаллик варақаси»ни узайтириш муддатлари ва ходим ТМЭКга юборилиши юзасидан саволлар беринг. ДПМ сизнинг аризангизни 15 кун ичида кўриб чиқиши ва жавоб бериши шарт («Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-м.).

Агар ходим ТМЭКга юборилган бўлса, хулосани олинг ва тавсия берилган қисмини диққат билан ўрганинг. Ва агар у ерда ходимга эгаллаб турган лавозими, касби ёки мутахассислиги бўйича ишларни бажаришига қарши кўрсатма мавжуд бўлса ёки меҳнат жамоаси аъзолари ёхуд улар хизмат кўрсатаётган фуқаролар учун хавфли бўлса, бу – МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига биноан ишдан бўшатиш учун асос – «ходимнинг соғлиги ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши (17.04.1998 йилдаги 12-сон ОСПКнинг 28-б. 5-хатбошичи).

Ходим соғлигининг ёмонлашишининг ўзи (жумладан тез-тез ва узоқ давр вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик) ёки ногиронлик белгиланиши МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун етарли сабаб бўлиб хизмат қилмайди.

«Соғлиги ҳолатига кўра» ишдан бўшатишдан олдин, иш берувчи ходимга тиббий тавсияга мувофиқ у бажара оладиган ишни таклиф қилиши шарт (12-сон ОСПКнинг 42-б. 2-хатбошичи).

Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МКнинг 92-м. 2-қ.).



Корхона қайта ташкил этилганда ходимнинг ЯММТдаги стажи қандай ҳисобга олинади?

Корхоналар қайта ташкил этилиши ёки номи ўзгартирилиши мумкин. Ходимларнинг ЯММТда стажини аниқлашда бунинг салбий таъсири бўлмайди? Ахир бугунги кунда ушбу тизимда компания реквизитларидаги ўзгартиришлар акс эттирилмаяпти.

«Norma» компаниясининг кадрлар масалалари бўйича ходими Валерия Ляндрес ҳамда «ЯММТ» ИДАК Дирекцияси бошқарув бўлимининг бошлиғи Зарнигор Абдурахмонова шарҳларини олди.

Валерия Ляндрес:

— Аввалги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни электрон меҳнат дафтарчасига киритаётганимда шахсан ўзим муаммага дуч келдим. ЯММТ базасида фақат фаолият юритаётган ташкилотлар ҳақида маълумотлар мавжуд экан. Қайта ташкил этилган ёки номи ўзгартирилган ташкилотларнинг кўпчилиги базага киритилмаган. Ташкилотда ишлаган ва қайта ташкил этилгунга (қайта номлангунга) қадар ишдан бўшаб кетган шахслар бундан беҳабар бўлиши мумкин. Уларнинг меҳнат дафтарчаларида ташкилотнинг аввалги номи қайд этилган, ҳозирда эса бу ном билан маълумотларни киритиб бўлмайди.

Масалан, ташкилотимиз 2017 йил декабрга қадар «Norma Намког» МЧЖ деб номланган. 2018 йил январдан «Norma» МЧЖ деб ўзгартирилган. Унинг таркибига аввал мустақил бўлган — «Norma Online», «Gorod Skidok», «Gisinfo» киритилган. «Norma Намког» ташкилотининг аввалги СТИРи унинг ҳуқуқий вориси — «Norma» МЧЖга берилган. Бундан анча аввал, 2007 йилдан 2015 йилга қадар умуман бошқа СТИР билан бошқа «Norma» МЧЖ фаолият юритган.

Собиқ ходимларнинг кўпчилиги ташкилот қайта ташкил этилганлиги ҳақида билмасалар ҳам керак. Уларнинг меҳнат дафтарчаларида СТИР битта бўлганлиги сабабли ташкилотнинг ЯММТ базасида мавжуд бўлмаган аввалги номи кўрсатилган. Бунда «Norma Намког» МЧЖдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни на ташкилотнинг номи бўйича, на СТИРи бўйича киритиб бўлмаяпти. 2015 йилга қадар «Norma» МЧЖда ишлаган ходимларда ҳам мураккабликлар юзага келиши мумкин. Уйлашимча, бундай мисоллар талайгина ва улар келгусида яна ҳам кўпайиб боради.

Шунингдек ходим томонидан муста-

қил равишда киритилган аввалги иш жойлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан ҳам саволлар келиб чиқиши тайин. Қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари билан ишлашда улардаги хатоларга ёки аниқ-равшан қайд этилмаган ёзувларга дуч келмоқдамиз. Мухр ва штамплар ҳам аниқ кўринмайдиган ҳолатлар учраяпти. Натижада бундай ўқиб бўлмайдиган ёки ноаниқ ёзувлар асосида тизимга аниқ маълумотларни киритиб бўлмаяпти. Бинобарин, ЯММТ тизимида чалқашликлар юзага келади, ходимлар эса стажи тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлашда муаммоларга ва мураккабликларга дуч келадилар.

Электрон меҳнат дафтарчасига фақат 2020 йил бошидан маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайман. Аста-секин ушбу маълумотлар кўпайиб боради. 2020 йилгача бўлган маълумотлар эса қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчасига киритилган маълумотлар ҳамда архив маълумотномаларига асосан тасдиқланиши лозим. 2020 йилдан кейингина ЯММТ ходимнинг аниқ стажини тасдиқлай олиши мумкин.

Бундан ташқари, вазият ЯММТда ходим томонидан мустақил равишда киритилган маълумотларни верификация қилиш тизимини яратишни тақозо этапти. Шунингдек иш берувчининг қайта ташкил этилганлиги, СТИРи ва бошқа реквизитларининг ўзгартирилганлиги ҳақидаги маълумотларни акс эттиришнинг техник имкониятлари ҳам кўриб чиқиши лозим.

Зарнигор Абдурахмонова:

— Жисмоний шахслар аввалги иш жойлари ҳақидаги маълумотларни ЯММТ тизимига мустақил равишда киритишга ҳақли. Киритилган маълумотлар МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси органлари томонидан тасдиқланганидан кейин



ходимнинг меҳнат стажига киритилади (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қарорнинг 13-б.).

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси органлари томонидан аввалги иш жойларини тасдиқлашга имкон берувчи функционал яратилмоқда ва яқин кунларда бу борадаги ишлар якунига етказилади.

Шу боис айтилган пайтда ходимнинг аввалги иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни ЯММТ тизимидаги маълумотлар базаси имкониятидан келиб чиққан ҳолда ташкилот номи қисмида шакллантириш лозим.

Аввалги иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш, биринчи навбатда, ходимнинг маълумотлар базасини шакллантириш учун зарур бўлади.

Меҳнат фаолияти тарихи ва шахсий маълумотлардан келгусида давлат органлари ва ташкилотларига мустақил танлов асосида истиқболли кадрларни ишга олишда фойдаланилади. Шунингдек бу бўлгуси иш берувчи ва ходимнинг вазифаларини анча содда-лаштиради, сабаби ходим тўғрисидаги шахсий маълумотлар базасида мавжуд бўлади ва уларнинг тиклаш ёки тасдиқлаш шарт бўлмайди. Ниҳоят, ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг электрон тарзда шакллантирилиши пенсияга бўлган ҳуқуқни расмийлаштиришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг (меҳнат стажини нотўғри ҳисоблаш, меҳнат дафтарчасининг фойдаланиш

ва аниқ маълумот олиш учун яроқсизлиги, уни қалбакилаштириш ёки йўқотиш ҳолатларининг) олдини олади.

Шунингдек 31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қарорнинг 4-бандида белгиланишича, 2020 йил 1 январга қадар ходимнинг меҳнат стажи ушбу даврга белгиланган тартибда (қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчаларидаги маълумотлар бўйича), 2020 йил 1 январдан кейин эса ЯММТ тизимида мавжуд маълумотлар асосида (электрон меҳнат дафтарчасидаги маълумотлар бўйича) ҳисобланади.

2020 йил 1 январдан кейинги меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бўйича саволлар юзага келмаса керак, сабаби улар иш берувчининг масъул шахси томонидан киритилмоқда ва бошқа ҳеч ким маълумотларни ўзгартира олмайди.

Ходимнинг пенсияга оид ҳуқуқларини расмийлаштириш, пенсия тўловларини ҳисоблаш учун солиқ тўловчи сифатида иш берувчининг (ташкilotнинг) номи эмас, балки СТИР талаб этилади. Ҳисобланган иш ҳақи ва тўланган ЖШДС суммалари, фуқароларнинг ШЖБПҲга ўтказилган бадаллари тўғрисидаги маълумотлар иш берувчининг СТИРи орқали олинади.

Истиқболда ЯММТ тизимида ташкилотлар номи ва бошқа реквизитларидаги ўзгартиришларни акс эттириш имкониятини яратиш режалаштирилмоқда.

Олег Гаевога тайёрлади.

ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

Рўйхатдан ўтказишлари шарт

Яқинда Россияда РФ фуқаросига турмушга чиқдим ва Тошкентга келдим. Турмуш ўртоғим чет эл фуқаролари учун яшаш гувоҳномамизга эга ва у Тошкентда отасининг уйда рўйхатга олинган.

Турмуш ўртоғимнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан қандай ўтишим керак?

— Эр (хотин) хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий рўйхатга олинган лозим (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган Рўйхатнинг 5-б.).

Фуқароларни доимий рўйхатга олиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (МваФРБ) қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

➢ мулкдор аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бориш имкони мавжуд бўлмаса;


➢ паспорти ёки ID-картаси.

Нихожи хорижий давлатда қайд этилган фуқаролар ЎЗРнинг консуллик легаллаштириш қонун ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилган ёки Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 5.10.1961 йил) талабларига мувофиқ апостиль белгиси қўйилган ниҳоқ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этади.

Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Минск, 22.01.1993 йил) ҳамда Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенцияга (Кишинёв, 7.10.2002 йил) аъзо давлатларда ниҳоқ қайд этилган фуқаролар томонидан ушбу давлатлар қонун ҳужжатлари талаблари асосида тасдиқланган ниҳоқ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида ниҳоқ қайд этилган фуқаролар томонидан тақдим этиладиган ниҳоқ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома консуллик қонунлаштирилиши ёки апостиль белгисини қўйиш талаб этилмайди (Низомнинг 13-б., ВМнинг 28.12.2019 йилдаги 1049-сон қарорига 1а-илова).

Шу тариқа, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси Минск ва Кишинёв конвенцияларини имзолаган давлатлар ҳисобланади, ушбу конвенцияларга мувофиқ ушбу давлатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига асосан расмийлаштирилган ниҳоқ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилиши мумкин. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Россия Федерацияси ҳудудида берилган ниҳоқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан сизни эрингизнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтказишлари лозим.



7-бетда Низомга мувофиқ талаб қилинг

Хорижий капитал иштирокидаги корхона ходимлари билан ишлайдиган менежерман. Тегишли равишда, бизда чет эл фуқаролари турли лавозимларда ишлайдилар.

Чет эл фуқаросининг яшаш гувоҳномасида идентификация рақамининг бўлишини талаб қилишга ҳақлимизми?

– Нафақат ҳақлисиз, балки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) бўлишини талаб қилишингиз лозим (Низомнинг 7-1-б., 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонида 2-илова).

Жисмоний шахс ЖШШИР олиш учун яшаш жойидаги ИИО Мва ФР бўлимига мурожаат қилиши лозим.

Яшаш гувоҳномаси ва ЖШШИР амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаганда, яшаш гувоҳномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Меҳмонлар кетолмай қолганда ...

Германиялик дўстларимни Ўзбекистонга меҳмонга таклиф қилдим. Дўстларимдан бири бахтсиз ҳодисага учради – оёғи синиб қолди. Касалхонага мурожаат қилишига ва у ерда маълум вақт даволанишига тўғри келди. Бунинг устига пандемия даврида коронавирус юқтириб олди ва яна даволаш муассасасида даволаниб чиқди. Унинг бўлиш муддати аллақачон тугаган ва, тегишли равишда, унинг ва оила аъзоларининг визалари муддати узайтирилди.

Мазкур ҳолатда қандай йўл тутуш лозим?

– Ўзбекистон Республикасига маълум муддатта визасиз, электрон ва туристик виза билан келиб, шу муддат ичида бахтсиз ҳодиса (жароҳат олганлиги ёки бошқа оғир касаллик) сабабли даволаш муассасаларига жойлаштирилган ва белгиланган муддатда республика ҳудудидан чиқиб кетиш имкони бўлмаган хорижий фуқароларга ЎЗР ИИВ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБ томонидан ҳар бир ҳолат бўйича тегишли даволаш муассасаси хорижий фуқаронинг даволаниш муддати кўрсатилган ҳолда берган хулосасига асосан, маъмурий чоралар қўлланилмасдан чиқиш (ЕХИТ) визаси расмийлаштириб берилади.

Хорижий фуқаро ёки унинг қонуний вакили даволаниш муддати тугагач, 3 иш кунини ўтказиб (ЕХИТ) визасини расмийлаштириш учун ҳудудий ИИОга белгиланган тартибда ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим этади.

Алоҳида ҳолларда, эпидемия (пандемия) муносабати билан карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча бўлиш муддати тугаган хорижий фуқароларга, шунингдек уларни қабул қилган уй-жой эгалари ва мансабдор шахсларга нисбатан карантин муддати тугагунга қадар ҳудудда бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий чоралар қўлланилмайди.

Карантин муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикасига маълум муддатта визасиз, электрон ва туристик виза билан келган хорижий фуқаролар 30 сутка ичида чиқиш (ЕХИТ) визасини расмийлаштирмасдан республика ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим.

Визасиз режим жорий этилган хорижий давлатлар фуқаролари, шунингдек виза асосида яшаётган хорижий фуқаролар карантин муддати тугагач, белгиланган тартибда 3 иш кунини ичида ҳудудий ИИОга тегишли ҳудудда вақтинчалик бўлиш муддатини узайтириш масаласида уларни таклиф қилган (қабул қиладиган) жисмоний ва юридик шахслар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Вақтинчалик бўлиш муддати карантин муддати тугаган кундан бошлаб узайтирилади (Тартибнинг 6-4, 6-5-бандлари, ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 1-илова).

Санжар Хўжаҳмедов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Қайта баҳолашни бошлаймиз

Давлат статистика қўмитаси томонидан 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (АВ томонидан 4.12.2002 йилда 1192-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш индекслари ишлаб чиқилди. Ушбу индекслар мазкур Низом талаблари асосида асосий фондларни навбатдаги қайта баҳолашни ўтказишда қўлланиладиган усуллардан бири сифатида корхона ва ташкилотлар эътиборига ҳавола этиш учун тайёрланди.

А.ИКРАМОВ, Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари.

2021 йил 1 январь ҳолати бўйича асосий фондлар, ўрнатиладиган ускуналар ва қурилиши тугалланмаган объектларни (уларни харид қилиш, тайёрлаш, қуриш даврлари бўйича)

ҚАЙТА БАҲОЛАШ ИНДЕКСЛАРИ

Асосий фондларнинг гуруҳлари ва кодлари	1995 йилгача (1995 йил ҳам қиради)	1996–2005 йй.	2006–2018 йй.	2019 йй.	2020 йй.			
					I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш бинолари (10000–10018)								
М-1 гуруҳи	1,000	1,046	1,079	1,101	1,091	1,060	1,027	1,004
М-2 гуруҳи	1,000	1,035	1,068	1,090	1,080	1,049	1,017	1,000
М-3 гуруҳи	1,000	1,025	1,057	1,079	1,069	1,039	1,007	1,000
М-4 гуруҳи	1,000	1,015	1,047	1,068	1,058	1,028	1,000	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,005	1,036	1,057	1,048	1,018	1,000	1,000
2. Иншоотлар (20000–20382)								
М-1 гуруҳи	1,000	1,046	1,079	1,101	1,091	1,060	1,027	1,004
М-2 гуруҳи	1,000	1,035	1,068	1,090	1,080	1,049	1,017	1,000
М-3 гуруҳи	1,000	1,025	1,057	1,079	1,069	1,039	1,007	1,000
М-4 гуруҳи	1,000	1,015	1,047	1,068	1,058	1,028	1,000	1,000
М-5 гуруҳи	1,000	1,005	1,036	1,057	1,048	1,018	1,000	1,000
3. Узатиш қурилмалари (30000–30124)								
	1,000	1,000	1,003	1,024	1,021	1,021	1,027	1,011
4. Машиналар ва ускуналар								
4.1. Куч машиналари ва ускуналар (40000–40719)	1,000	1,008	1,040	1,061	1,061	1,047	1,016	1,007
4.2. Ишчи машиналар ва ускуналар (41000–46119)	1,000	1,008	1,040	1,061	1,061	1,047	1,016	1,007
4.3. Ўлчов ва бошқарув асбоб ва қурилмалари, лаборатория жиҳозлари (47000–47066)	1,000	1,008	1,040	1,061	1,061	1,047	1,016	1,007
4.4. Ҳисоблаш техникаси (48000–48010)	1,000	1,017	1,049	1,070	1,069	1,055	1,026	1,012
4.5. Бошқа машина ва ускуналар (49000–49303)	1,000	1,008	1,040	1,061	1,061	1,047	1,016	1,007
5. Транспорт воситалари (50000–50709)								
Енгил автомобиллар	1,000	1,040	1,073	1,095	1,077	1,034	1,013	1,005
Бошқа транспорт воситалари	1,000	1,000	1,013	1,034	1,031	1,021	1,009	1,005
6. Восита (60000–60002)	1,000	1,031	1,063	1,085	1,078	1,049	1,018	1,007
7. Ишлаб чиқариш ва хўжалик анжомлари, мебелсиз (70000–70002, 70005–70012)	1,000	1,031	1,063	1,085	1,078	1,049	1,018	1,007
8. Мебель (70003–70004)	1,000	1,018	1,050	1,072	1,071	1,060	1,033	1,008
9. Ички ва маҳсулдор моллар (80000)	1,008	1,064	1,098	1,120	1,114	1,091	1,059	1,026
10. Кўп йиллик кўчатлар (90000–90021)	1,000	1,046	1,079	1,101	1,096	1,071	1,037	1,018
11. Кутубхона фондлари	1,000	1,000	1,025	1,046	1,045	1,035	1,015	1,007
12. Бошқа асосий фондлар	1,000	1,046	1,079	1,101	1,096	1,071	1,037	1,018
13. Қурилиши тугалланмаган объектлар	1,000	1,031	1,064	1,085	1,077	1,052	1,023	1,004
14. Ўрнатилмаган ускуналар	1,000	1,008	1,040	1,061	1,061	1,047	1,016	1,007

Изоҳ. Асосий фондлар кодлари 1990 йилдаги Амортизация ажратмаларининг ягона меъёрларига мувофиқлаштирилган.

Ташкилотлар балансидаги турар жой фонди объектлари, уларни қайта баҳолашга доир бошқа меъёрли ҳужжат бўлмаса, 1,0 коэффициентини билан қайта баҳоланади.

Минтақалар гуруҳлари:

М-1 гуруҳи – Тошкент ш.

М-2 гуруҳи – Тошкент, Навоий, Самарқанд вилоятлари.

М-3 гуруҳи – Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Фарғона вилоятлари.

М-4 гуруҳи – Сурхондарё, Хоразм, Наманган вилоятлари.

М-5 гуруҳи – Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё вилоятлари.



Иқтисодий ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1.
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 186. Қўроз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табэк. Баҳоси келишилган нарҳда.
Буёртма г-1222. Адади 540. Газета 2020 йил 28 декабрь соат 16.00 да топширилди.